

40639598 - SON
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КУРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шўх жўмладан, бюджет ташиқлотлари) учун

25.01.2022 йил

Рашидов Ш.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 30.12.2021 йилдаги 27-01-14 6025 - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг “Тошкент” филиали директори Бакиров Шавкат Сайтмуротович (кейинги ўринларда-Оператор) бир томондан ва OHANGARON *Worap* BOLALAR VA O'SMIRLAR SPORT MAKTABI номидан Устав (Низом, рўйхатта олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи OHANGARON *Worap* BOLALAR VA O'SMIRLAR SPORT MAKTABI (кейинги ўринларда-Абонент) иккинчи томондан, (кейинги ўринларда бирталикда-Томонлар) телекоммуникация хизматлар кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда Шартнома) туздилар:

1.Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб,

-Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қоллексининг 367- 369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олгани Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2 Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3.Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2 Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3 Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларида қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3.Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Икк бор улашишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоз** миқдорда олдидан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдидан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4 **Бюджет ташиқлоти бўлган Абонент** учун Шартноманинг умумий сўммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан таптанган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий сўммаси ОЖКСни ҳисобга олган ҳолда () сўмни ташкил этади.
Ушбу сўмма *480.000 (тўрт юз соқсон)* сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда *160.000 (сўз юз олти миш)* миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1 Мазкур Шартноманинг умумий сўммаси ошиб кетган тақдирда, орғиқча сўмма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5 Абонент ушбу Шартномага асосан еки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса еки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхлатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланишмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхлатишини, шунингдек, ҳисобот даври (календарь оии) учун исаламаган тўловларини олганини истаеса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блоқировка қилиш учун ариза топишириши керак. Блоқировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди еки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланганлиги тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичиқ бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлишида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатта Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонуничилигига мувофиқ ҳамда низоларни судга ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонуни ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки ҳағти-ҳаракатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муроасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятлари а боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (ениб бўлмайдиган қучлар форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма электрон шаклда тақдим этилган ариза эътирознома шикоят тақлиф кўришишидаги мурожаати кўни билан **30 (ўттиз) кун** давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун **15 (ўн беш)** кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Якуний Қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолатларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, қучга қиради ва **20.12** йилга қадар амал қилади. Агар Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом этгирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб қучга қиради ва **20.12** йилга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акшптини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганини ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз қучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан таъдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхадда расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик қучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР: "Ўзбектелеком" АК "Тошкент" филиали	АБОНЕНТ: OHANGARON <i>Shahar</i> BO'LALAR VA O'SMIRLAR SPORT MAKTABI
Манзил: Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри Бобур кўчаси 84- уй Банк маълумотлари: х.р.: 20210000304074838236 СТИР: 203366731 МФО: 00401 АТБ "Алоқабанд" Тел: 1155 E-mail: _____	Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, Амир Темур кўчаси Банк маълумотлари: х.р.: 23108000800100001909 СТИР: 207267360 МФО: 00487 Банк номи: ГАХАНГАРАН, ГАХАНГАРАНСКОЕ ОТД ИПОТЕКА-ВАЯК <i>№/л. 1000211608/24/163083610246001</i> Тел: 935852040 <i>М/М: 201482919</i> E-mail: rashob@v@mail.uz
Оператор номидан: Бакиров Шавкат Саъдулротович ИМЗО/ <i>Бакиров Шавкат</i>	Абонент номидан: <i>Абонент</i> ИМЗО/ <i>Абонент</i>

25.01.2022 йил 40639598-сонли
абонент шартномасига 1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
	I. Бир марталик тўловлар				
2.2	II. Хар ойлик абонент тўловлари				
2.1	Абонентская плата за Corporate-2	160 000,00	Преискурант	1	160 000,00
	Жами (олдиндан тўлов)				160 000,00

Шартноманинг умумий миқдори 480 000,00 сўмни ташкил этади. Ундан 160 000,00 сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда 0.00 сўм бир мартабалик уланиши учун рўйхатга олиш тўлови. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган ҳолларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар ҳисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

ОПЕРАТОР:
"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК
Тошкент филиали

АБОНЕНТ:
"OHANGARON TUMAN BOLALAR VA O'SMIRLAR
SPORT MAKTABI"

Оператор номидан:

Абонент номидан:

✓ Директор

Ш С Бакиров



IMZO
M.Y.